
Собиқ “Назирова Улуғбек Ф” фермер хўжалиги раҳбарининг интернет тармоқларидаги чиқиши бўйича МАЪЛУМОТ.

Туманда 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги **“Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 14-сонли қарорига асосан қарор ижроси учун ишчи гуруҳи тузилган.

Данғара тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ва фермер хўжалиги раҳбарининг аризасига асосан Данғара ММТП ҳудудида пахта-ғаллачиликка ихтисослашган «Назирова Улуғбек-Ф» фермер хўжалиги билан тузилган ер ижара шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш ва ер участкасини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш тўғрисидаги 21.01.2019 йил кунги №187-сонли туман ҳокимининг қарори қабул қилинган.

Данғара тумани маъмурий судининг 14.06.2019 йил кунги 3-1519-1901/347-сонли ҳал қилув қарори билан шикоят қаноатлантиришдан рад қилинган.

2021-01-21 18:53:26